

Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

“01” 01 2022 йил

№ 14437-Всон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали номидан, Низом асосида фаолият юритувчи, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали бошқарувчиси Б.Б.Шамсутдинов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани куйидагилар хақида тuzдилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи объектни кўриқлашга топширади ва “Кўриқлаш” эса ушбу вазифани куйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани кўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби орқали 1 та 9 соатлик (соат 09.00 дан 18.00 гача, тушликсиз, дам олиш шанба, якшанба ва байрам кунлари) саф бўлинмаси пости билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, КХАЙ кўчаси, 16-мавзе, 11-уй манзилида жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиалига қарашли “Банк хизматлари маркази”ни (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади. Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда ___ иш куни ичида саф бўлинмаси кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга ___ иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

